



2021 йил 24 июнь

№ РС-38-21

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси ижроси ва 2021 йилнинг иккинчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режасини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати Олий суднинг 2021 йил биринчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси ижроси бўйича Олий суд аппарати раҳбарининг маърузасини тинглаб, қуйидагиларни қайд этади.

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2 ва 13-моддаларига асосан, Олий суд зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тузилган мазкур иш режасида 4 та йўналиш бўйича жами 31 та масала назарда тутилган.

Шулардан 8 таси 26 (фоизи) Раёсат, 10 таси 33 (фоизи) Пленум муҳокамасига тегишли бўлса, 11 таси 35 (фоизи) умумий масалалар, 2 таси 6 (фоизи) халқаро-ҳуқуқий муносабатларга тегишлидир.

Пленум мажлисларида:

“Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”;

“Судлар томонидан маъмурий ишларни апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”;

“Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”;

“Судлар томонидан фуқаролик ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”;

“Судлар томонидан иқтисодий ишларни апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”;

“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”;

“Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”;

“Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий

хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинган.

“Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни апелляция тартибида кўриш амалиёти ҳақида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги масалалар муҳокамаси кейинга қолдирилган.

Раёсат мажлисларида киритилиши режалаштирилган масалаларнинг 6 таси 75 (фоизи) суд амалиётини умумлаштириш, 2 таси 25 (фоизи) Олий суднинг айрим ички идоравий ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишга тааллуқлидир.

Раёсат мажлисларида:

“Маъмурий судлар томонидан оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни 2019-2020 йилларда апелляция ва кассация инстанцияларида кўриш билан боғлиқ суд амалиётини умумлаштириш натижалари ҳақида”;

“Маъмурий ва фуқаролик ишлари бўйича республика судлари томонидан 2020 йилда судловга тааллуқлилиқ хусусидаги процессуал қонунчиликни қўллаш амалиёти (ҳокимлик қарорларини ҳақиқий эмас деб топишга, ерга ва мулк ҳуқуқига оид низолар)ни умумлаштириш натижалари ҳақида”;

“Иқтисодий судлар томонидан 2018-2020 йиллар давомида мол-мулкни бошқа шахснинг ноқонуний эгалигидан талаб қилиб олиш (мулкни қайтариш мажбуриятини юклаш, мулкни қайтариш (олиб бериш), битимнинг ҳақиқий эмаслиги ёки бекор қилиниши оқибатида мулкни қайтариш, давлат ижрочиси қарорининг бекор қилиниши, давлат ижрочисининг мулкни реализация қилиш билан боғлиқ ҳаракатлари ноқонуний деб топилганлиги асоси билан мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволарни кўриш билан боғлиқ суд амалиётини умумлаштириш натижалари ҳақида”;

“Маъмурий судлар томонидан 2019-2020 йиллар давомида маҳаллий ҳокимликлар ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш билан боғлиқ ишларни кўриш бўйича амалиёти юзасидан умумлаштириш натижалари ҳақида”;

“Судлар томонидан 2018-2020 йиллар давомида озодликни чеклаш жазосини тайинлаш ҳамда ўталмаганлиги сабабли бошқа турдаги жазога алмаштиришда қонунчиликка риоя қилиниши юзасидан ўтказилган умумлаштириш натижалари ҳақида”ги қарорлар қабул қилинган.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ва “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Раёсати қарорларини ижро этиш ва назоратдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги низомлар тасдиқланган.

Эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб, халқаро-ҳуқуқий муносабатларга доир 2 та масала, яъни “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида суд тизимини рақамлаштиришнинг ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари” мавзусида ташкилотга аъзо давлатлар судларининг онлайн йиғилишига Ўзбекистон томони иштирокини таъминлаш ҳамда Қирғизистон Республикасининг Бишкек шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар суд раисларининг XVI йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий суди делегациясининг иштирокини таъминлаш кейинга қолдирилган.

Таҳлил натижаларига кўра, иш режасига киритилган 31 та масаладан 27 тасининг ижроси амалда таъминланган бўлса, қолган 4 тасининг ижроси кейинга қолдирилганлиги сабабли, ижро самарадорлиги 87 фоизни ташкил этган.

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига асосан, Олий суд Раёсати

### **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режасининг ижроси юзасидан ахборот маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йилнинг иккинчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Олий суднинг Ташкилий-назорат бошқармаси (Б.Юлдашев) зиммасига ишда ижро интизомига қатъий риоя этилишини таъминлаш, хусусан, иш режасида белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига эришиш, ижрочиларнинг бу борадаги масъулиятини янада ошириш, иш ҳужжатларини тўғри, тўлиқ шакллантириш ва сақлаш мақсадида:

иш режаси ижроси юзасидан умумий назоратни олиб бориш;

ижрочилар томонидан белгиланган муддатларга риоя этмаганлик ёки масъулиятсизликка йўл қўйилганлик ҳолати юзасидан раҳбариятга ўз вақтида ахборот киритиш;

иш режасида белгиланган вазифалар ижроси аҳволи юзасидан ҳар ойда Олий суд раҳбариятига ахборот тақдим этиб бориш;

иш режасида белгиланган тадбирлар ижросига оид ҳужжатларни тўплаш, умумлаштириш ва алоҳида йиғмажилдларда сақланишини таъминлаш юклатилсин.

4. Олий суднинг 2021 йилнинг иккинчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режасида белгиланган вазифаларнинг тўлиқ ва муддатида бажарилиши бўйича тегишли вазифалар юкланган Олий суднинг судлов ҳайъатлари ва бошқа таркибий тузилмалари масъул эканлиги қатъий кўрсатиб ўтилсин.

5. Ушбу қарор Олий суднинг судлов ҳайъатлари ва бошқа таркибий тузилмаларига ижро учун, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларга маълумот учун юборилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати раҳбари Ж.Юлдашев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди раиси**



**К.Камилов**

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган

ИШ РЕЖАСИ

т/р	Тадбирлар	Муддати	Масъуллар
<i>1.Умумий масалалар</i>			
1.1	Республика судларининг 2021 йил биринчи ярмидаги иш фаолияти яқунларини таҳлил қилиб, натижаларини Олий суд Раёсати муҳокамасига киритиш.	июль	Р.Махмудова, Ҳ.Турахужаев, И.Муслимов, Б.Исаков, Ж.Юлдашев, Ташкилий-назорат бошқармаси
1.2	Олий суднинг 2021 йил биринчи ярмидаги иш фаолияти яқунларини таҳлил қилиб, натижаларини Олий суд Раёсати муҳокамасига киритиш.	июль	Р.Махмудова, Ҳ.Турахужаев, И.Муслимов, Б.Исаков, Ж.Юлдашев, Ташкилий-назорат бошқармаси
1.3	Олий суд раиси ўринбосарлари иштирокида судларнинг 2021 йил биринчи ярим йиллиги давомидаги фаолияти бўйича матбуот анжуманини ўтказиш.	июль	Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси
1.4	Худудларда (Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари) маҳаллий журналист ва блогерларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга йўналтирилган ўқув семинар-тренинглари ўтказиш (БМТ Тарраққиёт дастури ва АҚШнинг Халқаро ривожланиш агентлиги (USAID) кўмагида).	июль - август	Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси, Халқаро-ҳуқуқий бўлим
1.5	Сайлов билан боғлиқ низоларни судларда кўриш бўйича қўлланма ишлаб чиқиш.	Июль	Р.Махмудова, Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати

1.6	Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти билан боғлиқ ҳуқуқлари юзасидан низолари судлар ва бошқа давлат органларида кўриб чиқиш ва ҳал этиш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиш.	июль - сентябрь	Р.Махмудова, Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати
1.7	Судлар биносида мавжуд постларни ҳарбийлаштирилган постлар назоратига ўтказишда иқтисод қилинадиган маблағ миқдорини аниқлаш ва Олий суд раҳбариятига ахборот бериш.	ноябрь	Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти
1.8	2021 йил учун режалаштирилган манзилли “Дастур” асосида объектларда амалга оширилаётган қурилиш ишларининг бажарилишини ҳамда ажратилган маблағларнинг ўз вақтида ва мақсадли ўзлаштирилишини мониторинг қилиш ва натижаси юзасидан Олий суд раисига ахборот бериш.	ҳар чорак якуни бўйича	Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти
1.9	Судларда мурожаатлар билан ишлаш сифатини ошириш мақсадида, ушбу масалага масъул бўлган суд ходимлари билан ВКА орқали семинар машғулоти ўтказиш.	ноябрь	Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси
<b>т/р</b>	<b>Тадбирлар</b>	<b>Муддати</b>	<b>Масъуллар</b>
1.10	Олий суд раҳбарияти ва минтақаларга бириктирилган судьялар томонидан вилоятларда сайёр қабул, шахсий қабулларни ташкил этиш ва фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал қилиш чораларини кўриш.	июль - август	Р.Махмудова, Ҳ.Турахужаев, И.Муслимов, Б.Исаков, Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси
1.11	Судларда мурожаатлар билан ишлаш ҳолатини амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан ўрганиш.	июль - декабрь	Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси
1.12	Барча вилоят ва унга тенглаштирилган судлар ҳамда туманлараро маъмурий судлар судьяларининг иштирокида видеоконференцалоқа режимида ўқув семинарлар ўтказиш.	алоҳида режа асосида*	Р.Махмудова, Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати
1.13	Барча вилоят ва унга тенглаштирилган судлар ҳамда туманлараро (туман, шаҳар) судлари судьяларининг иштирокида видеоконференцалоқа режимида ўқув семинарлар ўтказиш.	алоҳида режа асосида*	Ҳ.Турахужаев, И.Муслимов, Б.Исаков, фуқаролик, жиноят ва иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатлари
1.14	Сайлов билан боғлиқ низоларни судларда кўриш бўйича маъмурий судлар билан семинар машғулоти ўтказиш.	сентябрь	Р.Махмудова, Маъмурий ишлар бўйича

			судлов ҳайъати
1.15	Солиқ органлари мансабдор шахсларининг ҳатти-ҳаракатларини қонунга хилоф ҳамда солиқ органларининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги оммавий ҳуқуқий низолар бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиш.	ноябрь - декабрь	Р.Махмудова, Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати
<b>т/р</b>	<b>Тадбирлар</b>	<b>Муддати</b>	<b>Масъуллар</b>
1.16	Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ўртасида 2018 йил 13 июль куни имзоланган Қўшма кўрсатма ижроси юзасидан давлат фойдасига ундирилиши лозим бўлган маблағлар (давлат божи, жарима ва бошқалар) бўйича чиқарилган ижро ҳужжатларининг ижро қилинмаганлик сабаблари мунтазам равишда бирма-бир ўрганиб, суд қарорлари ижросини реал таъминлаш чораларини кўриш.	ҳар ҳафта	Ташкилий-назорат бошқармаси
1.17	Судларнинг иш юритувига Мажбурий ижро бюроси туман (шаҳар) бўлимлари томонидан "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8, 24-моддаларига асосан қайтарилган, лекин судлар томонидан ушбу ижро ҳужжатларини қайта ижрога тақдим этмаслик ҳамда ижро ҳужжатларини Мажбурий ижро бюроси туман (шаҳар) бўлимларига Қонунда белгиланган муддатларда ижро қилиш учун юбормаслик ҳолатларини "Е-XSUD" электрон ҳужжат айланиш тизими орқали назорат қилиш.	доимий	Ташкилий-назорат бошқармаси
1.18	Олий суднинг <a href="http://my.sud.uz">my.sud.uz</a> интерактив хизматлар порталида "Суд хабарномаси" хизматини жорий қилиш.	июль	Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси
1.19	Судларда муайян ишни кўриш жараёнида зарур маълумотларни давлат органлари ва ташкилотлардан электрон шаклда олишни жорий этиш.	июль	Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси

1.20	Апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш тизимини жорий қилиш.	июль	Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси
1.21	Судларда ишда иштирок этувчи шахсларга суд хужжатларини электрон шаклда, шунингдек "SMS" хабар ҳамда электрон почта манзилига юбориш орқали уларни хабардор қилиш тизимини яратиш.	октябрь	Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси
1.22	Судларда фаолият юритаётган тегишли йўналишлар бўйича ходимларнинг билими ва касб-малакасини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.	июль - октябрь	И.Муслимов, Ж.Юлдашев, Олий суд аттестация комиссияси
1.23	Олий суднинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда норматив ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш.	алоҳида режа асосида*	Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармаси
1.24	Олий судда ижро интизомини доимий назорат қилиш, судья ва ходимларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.	июль - декабрь	Кадрлар бошқармаси, Малака ҳайъати котибияти
1.25	Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўпламини нашрга тайёрлаш.	декабрь	Ж.Юлдашев, судлов ҳайъатлари Пленум ва Раёсат котибияти
<b>2. Халқаро-ҳуқуқий муносабатларга оид масалалар</b>			
2.1	Қирғизистон Республикасининг Бишкек шаҳрида ШХТга аъзо давлатлар Олий суд раисларининг XVI йиғилиши ишида Ўзбекистон Республикаси Олий суди делегацияси иштирокини таъминлаш.	сентябрь - октябрь	Халқаро-ҳуқуқий бўлим
2.2	Корея Республикаси Олий суди билан икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.	октябрь - ноябрь	Халқаро-ҳуқуқий бўлим



2.3	Жорий йилнинг IV чорагида Тошкент шаҳрида “Марказий Осиёда жиноят ишлари бўйича Одил судловни амалга ошириш” мавзусида VIII эксперт форумини ташкиллаштириш масаласини кўриб чиқиш.	ноябрь - декабрь	Халқаро-ҳуқуқий бўлим
<b>3. Олий суд Раёсати муҳокамасига киритиладиган масалалар</b>			
3.1	Терроризм ва экстремизмни молиялаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётини умумлаштириб, Раёсат муҳокамасига киритиш.	август	И.Муслимов, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати Пленум ва Раёсат котибияти
3.2	Мерос ҳуқуқи билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича суд амалиётини умумлаштириб, Раёсат муҳокамасига киритиш.	сентябрь	Ҳ.Турахужаев, Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати Пленум ва Раёсат котибияти
3.3	Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 2021 йилнинг биринчи ярми давомида енгил тан жароҳати етказиш ва майда безорилик (МЖТК 52 ва 183-моддалари) билан боғлиқ кўрилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиётини умумлаштириб, Раёсат муҳокамасига киритиш.	октябрь	И.Муслимов, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати Пленум ва Раёсат котибияти
3.4	Суғурта шартномаси билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётини умумлаштириб, Раёсат муҳокамасига киритиш.	октябрь	Б.Исаков, Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати Пленум ва Раёсат котибияти
3.5	Олий суд Раёсатининг 2018 йил 6 июлдаги РС-36-18-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласини, Раёсат муҳокамасига киритиш.	октябрь	Ж.Юлдашев Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси Пленум ва Раёсат котибияти

3.6	Даъвони кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш юзасидан (2020 йил ва 2021 йил 9 ойи даври учун) суд амалиётини умумлаштириб, Раёсат маҳокамасига киритиш.	ноябрь	Б.Исаков, Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати Пленум ва Раёсат котибияти
3.7	Солиқ органлари мансабдор шахсларининг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар билан боғлиқ ишларни умумлаштириб, Раёсат муҳокамасига киритиш.	ноябрь	Р.Махмудова, Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати Пленум ва Раёсат котибияти
<b>4. Олий суд Пленуми муҳокамасига киритиладиган масалалар</b>			
4.1	“Судлар томонидан жиноят ишларини кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги Пленум қарори лойиҳаси.	ноябрь	И.Муслимов, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати Пленум ва Раёсат котибияти
4.2	“Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни апелляция тартибида кўриш амалиёти ҳақида”ги Пленум қарори лойиҳаси.	ноябрь	И.Муслимов, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати Пленум ва Раёсат котибияти
4.3	“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Пленум қарори лойиҳаси.	ноябрь	И.Муслимов, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати Пленум ва Раёсат котибияти
4.4	“Судлар томонидан иқтисодий ишларни кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги Пленум қарори лойиҳаси.	ноябрь	Б.Исаков, Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати Пленум ва Раёсат котибияти

4.5	“Судлар томонидан маъмурий ишларни кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги Пленум қарори лойиҳаси.	ноябрь	Р.Махмудова, Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати Пленум ва Раёсат котибияти
4.6	“Судлар томонидан фуқаролик ишларини кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги Пленум қарори лойиҳаси.	ноябрь	Ҳ.Турахужаев, Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати Пленум ва Раёсат котибияти
4.7	“Терроризм ва экстремизмни молиялаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Пленум қарори лойиҳаси.	ноябрь	И.Муслимов, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати Пленум ва Раёсат котибияти

*\*Алоҳида режалар тасдиқланиб, Ташкилий-назорат бошқармасига топширилиши лозим.*

*Изоҳ: зарурат бўлганда иш режасига қўшимча тадбирлар киритилиши мумкин.*